



2014 йил — Соғлом бола йили

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР — ЎЗБЕКИСТОН КЕЛАЖАГИ

Истиқлол мевалари

ТТАга энг юқори балл билан ўқишга қабул қилинган талабалар

Маҳмудов Темур, 234,1 балл билан Стоматология факультетига қабул қилинган:

— Истиқлолдан сўнг бошқа соҳалар каби таълимга ҳам катта эътибор қаратилди. Хўш нега? Мамлакатимизнинг келажагини — буюк дедик. Буюк келажакни дунё билимларини пухта эгаллаган, ақли расо, маънавиятли, тараққиётнинг янги қирраларини очишга қодир авлодгина қуради ва бошқаради. Хукуматимизнинг буни олдиндан кўра олиши ва амалий ҳаракатлари бутун ёшларимизнинг дунё талабларига жавоб бера оладиган даражада билим олишига имкон яратди.

Баннопов Жаҳонгир, 233,6 балл билан Даволаш иши факультетига қабул қилинган:

— Мен қалбимдаги дил сўзларини қандай таърифлашга ожизман. Давлатимиз бор эътиборини биз ёшларга қаратмоқда. Илм олишимиз, ҳунар ўрганишимиз, ўз устимизда мунтазам равишда ишлаш ва изланишимиз учун ҳар томонлама шароитлар бисёр. Биздан фақатгина ўқиш талаб қилинмоқда. Бу жаннатмакон юртнинг қадрига етмоқ, унинг тупроғини кўзимизга суртмоқ, содда, самимий меҳнаткаш халқни ардоқламоқ ҳар бир ёшнинг муқаддас бурчидир...

Мўминова Айжан, 195,9 балл билан Олий ҳамширалик иши факультетига қабул қилинган:

— Бундай натижа, бундай билим, ҳаммаси истиқлол шарофати деб биламан. Қолаверса, Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги мен учун унутилмас бўлиб қолди. Чунки мен мана шу йили ҳаётимдаги илк ва улкан бахтга — талабалик бахтига мушарраф бўлдим. Эндиги вазифам эса, қўлга киритган — олий ўқув юртида ўқишдек имкониятдан унумли фойдаланиб, билимим ва маҳоратимни янада ошириш ва шу орқали жонажон халқим хизматида бўлиш.

Атаханова Анора, 206,9 балл билан Тиббий педагогика иши факультетига қабул қилинган:

— Истиқлол шарофати билан мамлакатимиз бугун яна дунё узра ўз сўзини айтмоқда. Биз каби ёшлар эса бир вақтлар дунё илм-фани бешигини тебратган ажодларимиз ишини давом эттиришдек улғу бахтга, катта имкониятларга эга бўлдик. Бир вақтлар мустамлакачилар томонидан 90 фоизи саводсиз дея ноҳақ ҳақоратланган халқ фарзандлари бугун турли доираларда, турли соҳаларда янгидан-янги кашфиётлар қилиш, илм-фаннинг ҳали очилмаган қирраларини яратиш би-

лан банд. Буларнинг барчаси доимо дунё халқларига рўшнолик олиб келган, истиқлол дея аталмиш қутлуғ неъматнинг дастлабки меваларидир.

Нориманов Баҳром, 199,2 балл билан Тиббий профилактика факультетига қабул қилинган:

— Бугун ўқиган билимли киши кўчада қолмайди. Бу ҳам истиқлолнинг бизга берган улкан неъматидир. Қолаверса, бугун илм-фанни давлат қўллаб-қувватламоқда. Хўш айтиш, қайси бир юртда биз қатори атак-чечак қила бошлаган давлат ўз бюджетидан миллионлаб маблағ ажратиш, фарзандларини хорижда ўқитяпти? Ёки яна қайси ёш давлат бюджетдаги асосий маблағни мактаб қурилишига сарфлаяпти? Албатта, буларнинг барчаси бахтли келажак ворислари дея аталаётган биз ёшларнинг илми, ақли расо бўлишимиз учун.

Бундан ташқари 11 та фан олимпиадаси ғолибларига имтиёзли равишда талабалик насиб этди.

“Зулфия” мукофоти совриндори Нигора Тўймуродова ТТА талабалари сафига имтиёзли равишда қабул қилинди.

Шунингдек, “Ҳамшира” танлови ғолиби Соҳиба Раимжонова ҳам имтиёзли равишда ТТА талабаси номига мушарраф бўлди.

Тошкент Тиббиёт академияси 3-клиникаси жамоаси функционал диагностика бўлими шифокори Феруза Исламбековага падари бузруквори

Заид ЮНУСОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Тиббиёт академияси ректорати, касаба уюшмаси, паталогия кафедраси меҳнат жамоаси шу кафедра профессори Ирискулов Бахтиёр Уктамовичга волидаи муҳтарамаси

ШАХРИХОН аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

MUASSIS:
**TOSHKENT
TIBBIYOT
AKADEMIYASI**

MUHARRIR
**TURDIQUL
BOBOMURATOV**

TAHRIR HAYATI:
Q.Nizomov (Bosh muharrir o'rinbosari),
O.Hazratov, D.Hidayeva, D.Norgulov,
L.Abdugodirova.

Gazeta Pentium-IV
kompyuterida sahifalandi va Toshkent
Tibbiyot akademiyasi RISOGRAFida
400 nusxada chop etildi.
Manziliimiz:
Toshkent shahri, Farobiy
ko'chasi, 2-uy
Nashr uchun ma'sul
Q. Nizomov

Gazeta Toshkent Matbuot va axborot
boshqarmasida 2007-yil 15-yanvarda
02-0049 raqam bilan ro'yxatga olingan

Mualliflar fikri tahririyat nuqati nazaridan farqlanishi
mumkin. Maqolalardagi ma'lumotlar uchun
mualliflar javobgardir

Gazeta bepul tarqatiladi

Ўзбекистон Халқ ёзувчиси
Ўткир Ҳошимов

ОНА — БИТТА ВАТАН — ЯГОНА

(асаридан сатрлар)

1990 йил июнь ойда Ўзбекистон коммунистларнинг XXII съезди бўлди. Кўп делегатлар бу мажлис руҳи ҳам аввалгилардан фарқ қилмайди, тагин КПСС марказий кўмитаси шаънига ҳамду санола уқилади, «пахта иши» учун «юқори»дан узр сўралади, деб ўйлаган бўлса эҳтимол... Лекин бу мажлис бутунлай бошқача бўлди.

Ислом Каримовнинг ўша съездда қилган маърузасини ҳозир ҳам ҳаяжонсиз ўқиш мумкин эмас. Мамлакатимиз раҳбари ўзбек халқининг, умуман, Ўзбекистоннинг ҳеч кимдан тили қисқ жойи йўқлигини баралла айтиб, одамларни муте бўлмастикка, ўз ҳақини талаб қилиш, ўз нафсониятини ҳимоя қилишга чорлади.

«... Асоссиз тарзда репрессияларга дучор бўлган кишиларнинг ор-номуси, кадр-қиммати, покази номини тиклашни, уларга етказилган маънавий ва моддий зиён ўрнини қоплашни биринчи галдаги бурчимиз деб биламиз». (Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Коммунистларнинг XXII съездида сўзлаган маърузасидан.)

Назаримда, шу куни бўҳтон ва зулмлардан қадди букилган халқнинг кўнглида неча йиллардан бери мудраб ётган ғурур туйғуси уйғонгандек бўлди. Кўкрагига шамол тегиб, қадди ростланди.

1990 йил июль ойда эса Москвада КПСС XXVIII съезди бўлди. Ўша анжуманда мен ҳам иштирок этганман ва ҳаммаси кўз ўнгимда турибди. Орол денгизи аллақачон ҳалокат ёқасига бориб қолган, бунга эса пахта майдонларини мутасил кенгайтириш, янги ерлар очиб, денгизга борадиган сувни далаларга буриш сабаб бўлган эди. Ўзбекистон делегацияси раҳбари Ислом Каримов ўз нутқида Орол денгизининг қуриб бораётгани Чернобыль фожиасидан кам эмаслигини, бу муаммони бутун мамлакат миқёсида ҳал этиш лозимлигини куюнчаклик билан гапирди.

Модомики, денгиз пахта ҳосилини ошириш йўлида қурбон бўлаётган экан, пахта эса фақат Ўзбекистон учун эмас, бутун шўролар мамлакатини учун керак экан, денгизни экологик ҳалокатдан қутқариб қолиш ҳам СССР даражасида ҳал этилмоғи керак!

Давоми 2-бетда.

ҚУТЛАЙМИЗ!

Мустақиллик — халқимиз учун эркин, бахтли ва фаровон ҳаёт кечирish имконини бергани, юртдошларимизнинг барча соҳаларда ўз истеъдод ва қобилиятини тўла намоеън этиши, ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш учун беқиёс имкониятлар яратгани билан қадрлидир.

Халқимиз Энг улғу, энг азиз айём — Мустақиллигимизнинг йигирма уч йиллигини қизғин нишонламоқда. Ватанимиз тарихида бу йиллар истиқболимизнинг мустақамлангани, демократик тамойиллар ҳамда бозор иқтисодиёти асосларига таянган янги жамият, янги давлат қуриш йўлидаги асрларга тенг йиллар сифатида қадрланади.

Айтиш жоизки, соғлом ва баркамол авлодни вояга етка-

зиш орзуси айнан мустақиллик билан боғлиқ эзгу интилишдир. Соғлиқни сақлаш тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар ҳам юртимизда инсон умри, унинг сиҳат-саломатлиги олий қадрият сифатида амалда улуғланаётганидан далолатдир.


Ҳурматли профессор-ўқитувчилар, қадрли талаба-ёшлар. Сизларни барчамиз учун қадрли бўлган Истиқлолимизнинг 23 йиллиги билан чин юракдан самимий муборакбод этамиз. Сизларга ҳамшиша соғлиқ-омонлик, ўқиш ва ишларингизда улкан муваффақиятлар, оилангизга тинчлик-хотиржамлик тилаймиз.

Ректорат



Ҳикмат

Шу азиз Ватан — барчамизники!



Ҳикмат

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ АБАДИЙ БЎЛСИН!

Инсоният тарихида, дунё харитасида давлатлар шаклланишида йигирма уч йил жуда қисқа муддат, лекин Ўзбекистонимиз шу давр мобайнида, ҳеч шубҳасиз юз йилларга тенг бўлган масофани босиб ўтди.

Истиқлол! Истиқлол бизга нима берди? Аввало, ўз тақдиримизга ўзимиз эгалик қилиш ҳуқуқини берди. Ишда, ўқишда юксак мақсадларимиз томон одимлашда эркинликни берди. Тилимизни берди. Энг муҳими, юрт ва мамлакат тақдирига дахлдорлик туйғусини ҳис қилиб яшаш ҳуқуқини берди. Ўзбек халқи эски мустақил тузум, унинг асолатлари ва мафкурасидан бутунлай воз кечиб, тобелик ва қарамлик даврига барҳам бериб, кечаги ночор, ўзини ўзи боқиб кучи етмаган ўлкадан бугун ўзининг куч-қудрати ва салоҳиятига таянган, ўз сарҳадлари, халқининг тинч ва осуда ҳаётини ҳимоялашга қодир бўлган, халқаро ҳамжамиятда муносиб ўрин эгаллаган, тез ва барқарор суръатлар билан ўсиб бораётган мустақил ва суверен давлатлар қаторига кўтарилди.

Дарҳақиқат, агар рақамларга назар солсак шу ўтган йигирма уч йиллик истиқлол йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти қарийб 3,7 баробар, аҳолининг реал даромадлари жон бошига 7 баробар, ўртача пенсия миқдори қарийб 9 баробар, ойлик иш ҳақи эса 18 баробар ошгани, одамларимизнинг умр кўриш дара-

Мен ишонаман — асрлар, замонлар ўтар. Аммо барчамизга ўзлимизни англаш, инсоний шайғимизни, қадр-қимматимизни, ўз юртимизга эгалик қилиш ҳуқуқини, тилимиз, муқаддас динимизни, қадриятларимиз, урф-одатларимизни қайтариб берган бу улдуз айём Ватанимиз тарихида олтин саҳифа бўлиб, абадий сақланиб қолажак.

И.КАРИМОВ

23

казида туриши лозимлигини асло унутмаслигимиз керак.

Мен бир аёл сифатида, она ва юртим-

нинг бир фуқароси сифатида – мана шу кўм-кўк осмон ости, меҳрибон она – Ер усти, инсонлари фаровон турмуш кечираётган, жамият фуқаролари хур ва озод бўлган давлатда яшаётганим ва қарияларининг кўли дуода бўлган ҳамда ҳар бир бурчагидан беғубор болаларнинг шодон кулгуси янграётган заминда яшаётганимдан бахтиёрман. Ўз юртим, она Ватаним, шонли ўтмишим, нурли келажагимиз билан фахрланаман. Халқимнинг ўзидек беғараз самимияти, эшигидек очиқ кўнгли, дастурхони сингари тўкин муҳаббати, азим дарёсидек жўшқин меҳри, қуёшидек иссиқ қалбини ҳеч нарсага алишмайман. Зероки, дунёдаги ҳеч бир давлат, миллат ва халққа ўзбекининг ори-ю самимияти, меҳмондўстлиги-ю очиқ кўнглиги, болажонлиги учрамайди.

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин! Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Л.ҚАБДУҚОДИРОВА
ТТА ХҚҚраиси

жаси ўртача 7 йилга узайгани, ёқилги ва ғалла мустақиллигига, ўзимизни ўзимиз гўшт, сут ва бошқа истеъмол моллари билан тўлиқ таъминлашга эришганимиз буларнинг яққол тасдиғидир.

Бундан йигирма уч йил олдин ҳар ўнта оиладан бор-йўғи биттаси шахсий машинага эга бўлган бўлса, бугунги кунда ҳар учта оиланинг биттасида автомобиль мавжуд экани, ҳар уч нафар юртдошимиздан бири интернет тармоғидан фойдаланиб келаётгани халқимизнинг фаровонлиги тобора ортиб бораётгани, унинг эмин-эркин яшаётганини намён этади. Яна бир нарса биз ўз ютуқларимиз билан овора бўлиб қолмаслигимиз лозим. Бугунги нотинч ва мураккаб замон, яқин ва узоқ ён-атрофимизда, минтақамизда кўпдан буён давом этаётган низо ва қарама-қаршилик, тобора кескинлашиб бораётган вазият бизнинг доимо огоҳ, доимо хушёр, сергак ва сезгир бўлиб яшашга ундайди.

Биз учун бебаҳо бойлик бўлмиш тинчлик ва осойишталикни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш ҳаммиша эътиборимиз мар-

ОНА – БИТТА ВАТАН – ЯГОНА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон бу таклифни маъқуллаши табиий, чунки Орол фожияси ҳамма учун бирдек хатарли эди. Афсуски, таклиф маъқулланмади! Бир қатор республикаларнинг вакиллари унга қарши чиқдилар. Бу эса денгиз қурийдими, бошқами, билганингни қил, деган гап эди.

Ўзбекистон раҳбари кейинги йилларда юртимизда рўй берган оммавий қатағонлар, бориб турган адолатсизликлар, «ўзбек иши», «пахта иши» деган таҳқирловчи атамалар халқнинг иззат-нафсини ерга ураётгани, марказ Ўзбекистонни полигонга айлантиргани, «ўзбек иши»ни ўйлаб топганлар тарих олдида жавоб бериши кераклигини фош қилди.

Мамлакатнинг пахта мустақиллигини таъминлаган жумҳурият «пахта иши», қатағонлар, оммавий қонунсизликлар майдонига айланиб қолдики, бу одамларнинг миллий қадр-қимматини камситмоқда... (Ислам Каримовнинг КПСС XXVIII съезидида (1990 йил) сўзлаган нутқидан.)

Ўша кезлардаги нуфузли ташкилотнинг энг юқори минбаридан туриб минглаб делегатлар, чет эл вакиллари ол-

дида бундай сўзларни ошқора айтиш учун катта жасорат керак эди. «Ўзбек иши», «пахта иши» деганлари тўхмат эканини, марказ амалда бутун бошли халқни ҳақорат қилаётгани, бундай масхарабозликка чек қўйиш вақти етганини бутун дунё эшитди!

Юқорида келтирилган далил ва фикрларни айтишдан мурод, нуқул кечаги кунни қоралаш ёки иддао қилиш эмас. Бу гапларни эслашдан мақсад — Ватан мустақиллиги шунчаки осмондан тушган неъмат эмаслиги, бу кунларга етганлар ҳам, етмаганлар ҳам борлигини эслашдир.

... Дунёда меҳри дарё аёллар кўп. Аммо инсон боласи учун Она битта бўлади. Дунёда гўзал юртлар ҳам кўп. Аммо инсон боласи учун Ватан битта бўлади! Сиз билан биз она юртимизни қанча эъзозласак, шу кунларга етказгани учун Ўратганга қанча шукрона қилсак, истиқлолимизни қанча авайласак, ҳозирги таҳликали замонда юртимиздаги тинчлик-тотувликни асрасак, ёш авлод ҳам ўрнат олади. Бугунги куннинг қадрига етиш учун эса вақти-вақти билан кечаги кунни ҳам эслаб туриш зиён қилмайди...



Истиқлол — бахтим, саодатим!

ИБН СИНО БАРКАМОЛ ШАХС ТАРБИЯСИ ҲАҚИДА

Ҳамма даврда муҳим, шу билан бирга, мураккаб бўлган баркамол шахсни тарбиялаш узлуксиз жараён ҳисобланади. Айниқса, бугунги кунда тараққий этиб бораётган жамиятимизнинг энг асосий мақсади ҳам баркамол шахсни тарбиялаш ва жамиятимиз тараққиётига муносиб фарзандларни камол топтиришдир. Бу борада буюк алломани Ибн Сино ўзининг «Тиб қонунлари» асарида ёш болаларни туғилгандан бошлаб, тарбиялаш масаласига эътибор берган. Ибн Синонинг «Китоб аш-шифо» («Рухни даволаш»), «Китоб ан-нажот» («Нажот китоби»), «Китоб ул-ишорат ва ат-танбеҳот» («Кўрсатмалар ва насиҳатлар китоби»), «Донишнома» («Билим китоби»), «Китоб ан-инсоф» («Инсоф китоби») комил инсон масалаларига бағишланган.

Ибн Сино юқоридаги асарларида инсоннинг камолот босқичида ижтимоий муҳитнинг роли бекиёслигига, бу жараёнда, айниқса, ақлий, ахлоқий ва жисмоний тарбиянинг узвий боғлиқлигига жиддий эътибор қаратган.

Ибн Сино инсон камолотининг муҳим ахлоқий жиҳатларини ҳам таҳлил этади ва ҳар бирига таъриф беради:

Мўътадиллик — тан учун зарурий озиқ ва хулқ меъёрларига тўғри келмайдиган ишларни қилмаслик; сахийлик — ёрдамга муҳтож кишиларга кўмаклашувчи инсоний қувват;

ғайрат — бирор ишни бажаришда жасурлик;

чидамлик — инсон ўз бошига тушган ёмонликларга бардош берувчи қувват; ақллилик — бирор ишни бажаришда шошма-шошарликдан сақловчи қувват; зийраклик — нарсалар ва ҳатто ҳаракатларнинг ҳақиқий маъносини тезлик билан тушунишга ёрдам берувчи қувват;

ачиниш — кишилар бахтсизлик, азоб-уқубатга дучор бўлганда, улар билан хушмуомалада бўлувчи инсоний қувват;



камтарлик — худбин кишилар билан шуғулланишдан тўхтатувчи куч. Ибн Сино инсоннинг камолотга етишида тўхтинлик қилувчи нуқсонлар сифатида жоҳиллик, нодонлик, шафқатсизлик, такаббурлик, нафратни кўрсатиб ўтади. Жоҳилликни — илмга, нодонликни — зеҳни ўткирликка, шафқатсизлик, такаббурликни — адолатга, нафратни — севги-муҳаббатга қарама-қарши иллат сифатида таърифлайди.

Ибн Сино томонидан тақлиф этилган тарбия турлари қуйидагилардан иборат: 1) ақлий тарбия; 2) жисмоний соғломлаштириш; 3) эстетик тарбия; 4) маънавий тарбия; 5) ҳунарга ўргатиш.

Бу эса Ибн Сино таълимоти таълимнинг инсонпарварлик ва шахснинг баркамол ривожланиши борасидаги эзгу-ғояларга асосланганлигини кўрсатади.

Д.Т.НОРҚУЛОВ,

ижтимоий фанлар кафедраси мудири, ирофессор



Статистик маълумотларга кўра Ўзбекистон Республикасида кейинги йилларда аҳоли ўртасида умумий касалланиш, болалиқдан ногиронлик, болалар ўртасида юкүмли касалликларнинг ортиб бориши кузатилмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири – бу ҳар бир оилада соғлом турмуш тарзининг тўғри тарғиб қилинмаслиги, оила аъзолари, айниқса ёш оналарнинг тиббий онгини етарли савияда эмаслигидир. Шундай экан оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оила аъзоларининг тиббий онгини ошириш бугунги куннинг долзарб муаммоси бўлибгина қолмай, балки давр талаби ҳамдир. Бу борада давлатимиз томонидан жуда кўп хайрли ишлар амалга оширилмоқда, жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 13 апрелдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1096-сонли ҳамда 2009 йил 1 июлдаги «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив сало-

«СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ»ДА АҲОЛИНИНГ РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ

матлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги ПҚ-1144-сонли Қарорлари ва шу билан бирга «Соғлом бола йили»да Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февраль 2124-сон-

ли Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорлари шулар жумласидандир. ТТАда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2124-қарорнинг 41-бандидан келиб чиққан ҳолда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг тиббий онгини янада ошириш мақсадида Олий таълим муассасалари талабалари, ўрта мактаб ўқувчилари, маҳалла аҳолисининг тиббий онларини ошириш бўйича ўтказиладиган семинар-учрашувлар режаси тузилди ва

режага асосан тарғибот ишларига ТТАда таҳсил олаётган юқори босқич 7-курс талабалари жалб этилади. 2014 йилнинг февраль ойидан апрель ойигача бўлган муддат ичида ТТА юқори курс талабалари, умумий ва радиацион гигиена кафедраси ҳамда ТТА ХҚҚ иштирокида Тошкент шаҳри бўйича 78 маротаба учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилди. Ўтказилган

давра суҳбатлари: «Зарарли одатлардан воз кечинг», «Чекишнинг зарари, алкоголизм, гиёҳвандлик», «Йод танқислиги ва унинг олдини олиш», «Анемия ва унинг олдини олиш», «СТТ тамойиллари», «Оқилона овқатланишга бўлган гигиеник талаблар», «ОИТС – аср вабоси», «Сил касалликлари ва уни олдини олиш» каби мавзуларга бағишланган бўлиб, асосан бу учрашувлар маҳалла ва иш жойларида, мактабларда, коллеж ва лицейларда, институт аудиториялари ва ТТЖларида ўтказилди. Ўтказилган ушбу давра суҳбатларига жами 2500 нафар ёшлар жалб этилди.

Л.К.АБДУКАДИРОВА,
ТТА ХҚҚ раиси т.ф.н.

Л.К.АБДУКАДИРОВА,
ТТА ХҚҚ раиси т.ф.н.

Л.К.АБДУКАДИРОВА,
ТТА ХҚҚ раиси т.ф.н.



Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишлаб «Ватанамиз тараққиёти – биз ёшлар кўлида» шиори остида ёшлар фестивали ўтказилди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида биноан Тошкент Тиббиёт академияси «Анестезиология ва реаниматология» кафедраси профессори Аваков Вячеслав Ервандовични «Меҳнат шухрати» ордени билан мукофотланганлиги муносабати билан Тошкент Тиббиёт академияси ректорати ва жамоаси муборакбод этади.

ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИАТЛАРИ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини ошириш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишга доир қатор фармон ва қарорлари, давлат дастурлари асосида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар туфайли барча бўғиндаги тиббиёт муассасалари фаолияти замон талаблари даражасида йўлга қўйилмоқда.

Тошкент давлат стоматология институти, Тошкент Тиббиёт академияси, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ҳамкорлигида «Соғлом бола йили» Давлат дастури ва Президентимизнинг шу йил 1 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори ижроси доирасида ташкил этилган тадбирда шу ҳақда сўз борди.

«Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида ташкил

этилган анжуманда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, тиббиёт йўналишидаги олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, шифокорлар иштирок этди.


Тошкент давлат стоматология институти ректори Н.Хабиллов ва бошқалар Президентимиз Ислоом Каримов раҳнамолигида жамиятимизда тиббий маданиятни юксалтириш, аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш ҳамда миллатимиз генофондини мустаҳкамлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Мазкур саъй-ҳаракатлар тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ёшларнинг ўз соғлиғига бўлган масъулиятини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир. Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 22 июлдаги «Тошкент давлат стоматология институти ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори стоматология соҳасида юқори малакали тиббиёт кадрлари тайёрлашни янада такомил-

лаштириш, таълим сифатини ошириш, мутахассисларнинг назарий билимини амалий кўникмалар билан мустаҳкамлашга хизмат қилади.

– Мамлакатимизда репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, «Соғлом она – соғлом бола» тамойилини рўёбга чиқаришга доир чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда, – дейди Тошкент Тиббиёт академияси 3-клиникаси бош шифокори Жасур Ризаев. – Тиббиёт муассасаларида жаҳон стандартларига мос ташхис қўйиш, профилактика ва даволаш технологиялари жорий этилган. Болалар соғлом туғилиб вояга етиши, улғайганидан сўнг жамиятимизда ўзининг муносиб ўрнини топиши учун барча зарур ишлар амалга оширилмоқда.

Санъат усталари, ёш ижрочилар ва бадий жамоалар иштирокидаги концерт дастури иштирокчиларга хуш кайфият бахш этди.



Ким эдигу ким бўлдиқ?**БУ РАҚАМЛАР ОДДИЙ РАҚАМЛАР ЭМАС...**

Бирор мамлакат ҳақида гап кетганда унинг халқаро миқёсдаги ўрни, муайян кўрсаткичлар бўйича дунёда нечанчи поғонада туриши тилга олинади. Бу ўша давлатнинг салоҳиятини, ривожланиш даражасини кўрсатади.

Собиқ тузум даврида шундай маълумотларни ўқиганимизда, эшитганимизда хорижий давлатларнинг тараққиётига қўйил қолардик. Ўзбекистонимизни ҳам уларнинг сафидан жой олишини орзу қилардик.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтгани йўқ. Мамлакатимиз биз орзу қилгандек бир неча соҳаларда илғор давлатлар даражасига кўтарилди. Нуфузли халқаро ташкилотлар, статистика кўмиталари ва экспертлар юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар самараларини, иқтисодиёт, таълим, соғлиқни сақлаш каби кўпга жабҳалардаги натижаларни юқори баҳоламоқда.

Яқинда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлараро статистика кўмитаси минтақа мамлакатларининг 2014 йил биринчи ярим йиллигидаги ривожланиш кўрсаткичларини эълон қилди. Унга кўра, Ўзбекистон саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича МДҲда биринчи ўринни эгаллади. Юртимизда бу соҳа ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8,1 фоиз ўсган.

Мазкур ҳисоботда мамлакатимиз бошқа кўрсаткичлар бўйича ҳам юқори ўринларда қайд этилган. Лекин айнан саноат соҳасига алоҳида эътибор қаратаётганимизнинг сабаби бор.

Маълумки, собиқ тузум даврида юртимиз фақат пахта етиштиришга ихтисослаштирилган аграр республика эди. Кам сонли завод ва фабрикалар ҳам фақат шу соҳага мослаштирилганди. Оқибатда саноат умуман ривожланмаган, юртимизда саноат маҳсулотлари деярли ишлаб чиқарилмас эди. Уша пайтда Ўзбекистон киши бошига тўғри келадиган ялпи ижтимоий маҳсулот бўйича собиқ иттифокда 12-ўринда, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, асосий турдаги маҳсулотларни истеъмоли қилиш жиҳатидан энг охириги ўринларда турарди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач иқтисодиёт таркиби тубдан ўзгартирилди. Президентимиз Исроил Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантириш, замонавий саноат корхоналари ташкил этишга киришилди. Тараққи топан мамлакатлар,

машҳур компаниялар билан ҳамкорлик ўрнатилди.

Бугун юртимизда юксак технологияларга асосланган кўплаб замонавий корхоналар фаолият юритмоқда. Уларда кенг турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Халқимиз эҳтиёжи тўлиқ мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар ҳисобидан қопланмоқда. Юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулотларимиз ички бозорни тўлдириш билан бирга экспортга ҳам йўналтирилмоқда.

Кўп эшитганмиз: илгари юртдошларимиз мабодо чет элга бориб қолса, Ўзбекистонни билмаган хорижликлар «у ерда нималар бор», деб сўраб экан. Ҳамма биринчи навбатда «пахта» дея жавоб берадиларкан. «Яна-чи» деб сўраб қолишса, юртдошларимиз тайинли гап тополмай, мавзунини бошқа томонга бураркан.

Бугун мамлакатимизни ҳамма танийди, муваффақиятларимизни тан олмоқда, тўғрироғи, тан олишга мажбур бўлмоқда. Энди чет элликлар Ўзбекистонда нималар бор деб эмас, нима йўқ, деб сўраса тўғрироқ бўлади.

Жорий йилнинг июнь ойида Тошкентда бўлиб ўтган «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусидаги халқаро конференцияда қатнашган хорижлик меҳмон бир ҳамкасбимиздан юртингизда нима ривожланган, деб сўради. Шунда у Ўзбекистонда инсон манфаатларига эътибор, одамлар учун зарур ҳамма нарса бор, деб жавоб берди.

Ҳақиқатан ҳам, бугун мамлакатимизда инсон учун зарур барча нарса муҳайё. Дастурхонимиздаги ноз-неъматлар, эгнимиздаги кийим-кечак, оғимиз остидаги машина – барча-барчаси юртимизда ишлаб чиқарилмоқда. Авваллари оддий гурут ёки кундалик ош тузини ҳам четдан келтирган Ўзбекистон бугун замонавий автомобиллар, телекоммуникация ускуналари, компьютер техникаси ва мобил телефонлар, кенг турдаги маиший электроника маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда. Юртимизда дунё миқёсида ҳам ноёб саналган йирик саноат комплекслари бунёд этилаётир.

Биргина Устюрт газ-кимё мажмуаси нуфузли халқаро нашрлар, етакчи экспертлар томонидан бир неча бор йилнинг энг яхши лойиҳаси, деб эътироф этилди. 2014 йил 13 мартда яна бир халқаро нашр – «Infrastructure Journal» ушбу газ-кимё мажмуаси қурилиши лойиҳасини «Нефть-газ соҳасидаги 2014 йилнинг глобал битими» мукофоти билан тақдирлади.

2011-2015 йилларда саноатни устувор даражада ривожлантириш дастури ҳамда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир тармоқ дастурларининг изчил амалга оширилиши натижасида юқори қўшимча қийматга эга, рақобатдош маҳсулотлар тайёрлаётган қайта ишлаш тармоқларининг ўрни тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 78 фоиздан ортиғи ана шу тармоқлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

2013 йилда машинасозлик ва металл қайта ишлаш саноати 121 фоизни, қурилиш материаллари саноати 113,6, енгил саноат 113 ва озиқ-овқат саноати 109 фоизни ташкил этгани ҳам мамлакатимиз саноати ривожини намоён этади.

Энди айтинг, агар мамлакатимиз мустақил бўлмаганида, давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқариш, жумладан, саноатни ривожлантиришга эътибор қаратилмаганида бундай натижалар бўлармиди?! Юртимизнинг энг кичик туманларидан бири – Асакани дунё танирмиди?! Қорақалпоғистоннинг олис бурчида дунёдаги ноёб завод қурилармиди?! Мустақиллик туйғуви юртимиз салоҳияти юзага чиқди. Бир пайтлар бизнинг куч-қудратимизга шубҳа билан қараганлар бугун ютуқларимизни тан олмоқда, биздан ўрганмоқда.

Албатта, бундай улкан натижаларга эришишнинг ўзи бўлмади. Ҳеч нарса ўзидан-ўзи осмондан тушмайди. Бу рақамлар замирида оқилона иқтисодий сиёсат, тинимсиз меҳнат ва қатъий муҳассам. Халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, мардлиги ва матонати эвазига қўлга киритилаётган, бутун дунёда эътироф этилаётган марралардан ҳар қайсими фахрланиб, бошимизни баланд кўтариб яшашга ҳақлимиз. Бундай муваффақиятларнинг барқарор ва бардавом бўлиши учун танлаган йўлимизда собитқадам бўлиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга ўз ҳиссамизни қўшимиз жоиз. Чунки унинг қувончи ҳам, ташвиши ҳам ўзимизники. Шу азиз Ватан – барчамизники!

ОИЛА — ЖАМИЯТ НЕГИЗИ

Мамлакатимизда мустақиллик туйғуви оиланинг ижтимоий, маънавий, ҳуқуқий асосларини тақомиллаштириш, оила манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида «Оила – жамиятнинг асосий бўлиши» деб белгиланган бўлиши ҳуқуқига эга», – деб белгилаб қўйилган. Жамият тараққиётида маънавий омилларнинг аҳамияти нихоятда ортиб бораётган ҳозирги даврда оилани мустаҳкамлаш маблағлар самародорлигини ошириш билан боғлиқ барча масалалар акс этган.

Биринчи навбатда, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш учун қулай, ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратишга қаратилган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада тақомиллаштириш, янги қоида ва меъёрларни ишлаб чиқиш бўйича чора-тадбирлар белгиланган.

Саккизта қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш режалаштирилган. Улар қуйидагилар: «Болаларни жисмоний ва маънавий ривожига зарарли таъсир кўрсатувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида», «Аҳолининг санитария-эпидемиологик барқарорлиги тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасининг Таълим тўғрисида»ги қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида», янги тахрирдаги «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида Ёшларга оид давлат сиёсати асослари тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар шулар жумласидандир.

«Болаларни жисмоний ва маънавий ривожига зарарли таъсир кўрсатувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунда болаларни уларнинг онгани бузувчи, руҳий жароҳат етказувчи ахборот таъсиридан ҳимоя қилиш, оммавий ахборот воситаларида шафқатсизлик ва зўравонлик тарғиботига йўл қўймасликнинг таъсирчан ҳуқуқий механизмлари кўзда тутилади.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида мактабгача таълим муассасаларининг моддий техник базасини босқичма-босқич мустаҳкамлаш, шу жумладан, уларни тубдан таъминлаш ва жиҳозлаш, янгиларини қуришга йўналтирилган аниқ вазифалар белгиланган. Болаларни мактабга тайёрлаш бўйича мутлақо янги дастурларнинг ишлаб чиқиши ва жорий этилиши белгиланган бўлиб, уларда болаларнинг ақлий, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожланиши каби масалаларга эътибор бериш кўзда тутилган.

Сухроб НОРҚУЛОВ,
Фалсафа фанлари номзоди, ОМХ факультети декан мувини


хурсанд бўлишини қўллаб-қувватлаши керак» – дейди.

Фитратнинг фикрича, оила ахлоқи оиланинг мустаҳкам ва бахтли бўлишига асос бўлади. Бу «эр-хотиннинг таъминлаш, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида «Оила – жамиятнинг асосий бўлиши» деб белгиланган бўлиши ҳуқуқига эга», – деб белгилаб қўйилган. Жамият тараққиётида маънавий омилларнинг аҳамияти нихоятда ортиб бораётган ҳозирги даврда оилани мустаҳкамлаш маблағлар самародорлигини ошириш билан боғлиқ барча масалалар акс этган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов таъкидлаганидек: «Республикада ҳалқчил, адолатли жамиятни бунёд этиш бош вазифамиздир. Меҳнатсевар ва бадавлат, маънавий етук ва маданиятли оила – шу жамиятнинг асосини ташкил қилади».

Абдурауф Фитрат ўзининг «Оила асаридан» фарзандни камол топтириб ўстириш учун унга жисмоний, ақлий ва маънавий тарбиядан иборат кўп таркибли тарбия бериш муҳимдир, деб ёзиб, «Болаларни ўзига ишонган, кучли, топқир, қаққон ва ақлли қилиб тарбиялаш учун ўз қадри – қиммати, шаънини ҳурмат қилиш руҳий тарбия қилмоқликни, шунинг билан бирга ён-атрофдаги одамлар билан ҳисоблашишни ўргатмоқ керак ... Болаларни шундай тарбия этиш лозимки, бахтга бўлган интилишлари ҳеч қачон ҳазон бўлмасин... Ота - она болага мамнунлик ва хурсандчилик қилишни ман этмасликлари, балки ахлоққа зид бўлмаган ишлар билан мамнун ва

Ф.С. УМАРОВА,
ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси

**Манфаат кишида диёнат бўлмайди.****Ёлгон обрў омонат.**